

ЭЛ-ЮРТГА ҲАЛОЛ, ВИЖДОНАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ - ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

(Боши 1-бетда)

Бугунги сессия мажлиси кун тартибига қўйилган масалани кўра эканми, барчамиз унга айнан мана шу нуктаи назардан қараб, муҳокама қилишимиз ва тегишли хулосалар чиқаришимиз зарур, деб ўйлайман.

Шу маънода, катта суръатлар билан ривожланиб бораётган мамлакатимиз иқтисодиётида - бу саноят ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, мавжуд ер ости ва ер усти бойликларимизни ҳаққонинча манфаатга йўлида ишлатиш бўладими, хизмат курсатиш ёки илмфан, маданият, таълим-тарбия соҳалари бўладими - уларнинг барчасида ютуқлар билан бир қаторда, ишни бугунги замон талаблари асосида тўғри ва самарали ташкил этишда ҳали-бери камчилиги ва нуқсонлар, оқсоқлик борлигини ва улар йўлимизда тўсиқ бўлиб турганини инкор этиб бўлмайди. Бу ҳам ҳаётимизнинг аччиқ бир ҳақиқати, десак, янглишмаган бўламиз.

Биз айрим вилоятлар, шаҳар ва туманлар, керак бўлса, бутун республикамиз миқёсида ижтимоий-иқтисодий, демократик ислохотларни амалга ошириш жараёнини таҳлил қилар эканми, бундай ҳолатларни ҳеч қачон яширганимиз йўқ ва бу ҳақда доимо очик-ойдин гапирармиз.

Буни ҳориждаги бизни ҳушалайдиган, бизни кўролмайдиган муҳолифларимиз ҳам тан олишга мажбур бўлмоқда. Яъни, Ўзбекистон давлати ва жамоатчилиги ўз тараққиёт йўлида учраётган хато-камчиликларга ўзи ҳолис ва танқидий баҳо бера олади ва шу боис четдан кимдир келиб бундан кўрсатишга ҳожат қолмайди. Чунки биз ўз ютуқларимиз ва имкониятларимизни ҳам камчиликларимизни ҳам кўпроқ ўзимиз сезамиз, ўзимиз кўраемиз.

Илгари ҳам кўп бор айтиб, ҳаётингиз ўзи тасдиқлаган ҳақиқатни яна такрорлайман. Биз ўзимиз, ўз қўлимиз, ўз меҳнатимиз билан қилишимиз керак бўлган ишларни ҳеч ким четдан келиб, бизнинг ўрни-мизга бажариб бермайди. Ва табиийки, биз ўз мақсад-муддolariмизга етмоқчи эканми, бу нуқсонларни аввало ўзимиз аниқлаб, уларни бартараф этишимиз керак. Бундай ҳолатларни беқизиш, сир туттишга уриниш кимнидир эмас, аввало, ўзимизни алдаш демокдир.

Охир-оқибатда бугун яширган, сир тутган муаммолар эртага қутилмаганда бошқа бир жойдан албатта ёриб чиқади ва ҳал этиш қийин бўлган масалага айланади. Бизнинг амалга ошираётган ҳар бир иш-ишмизга, умуман фаолиятимизга баҳо беришда айнан мана шундай қараш, мана шундай ҳолисона ёндашув ҳукмронлик қилиши керак. Бошқача айтганда, иш фаолиятимизни таҳлил этиш ва тегишли хулосалар чиқаришда юзаки ва бир-ёқлама қарашлардан воз кечиш лозим.

Бу галлачилик ёки пахтачилик бўладими, қурилиш ёки ободончилик бўладими - қайси соҳа ёки тармоқ бўлмасин, фақат кўзга ташланган натижалар ҳақида гапирмасдан, масалага кенгрок қараб, ҳаётнинг бундан ҳам муҳимроқ томонларига, яъни барча қилган ишларимиз пировадига юрtdошларимиз, халқимизнинг қайфиятига, уларнинг ҳаётига қандай таъсир ўтказаетгани ҳақида ўйлашимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки - вилоятнинг ишлаб чиқариш режаларини бажариши албатта муҳим, лекин одамларнинг қайфияти ва қарашларига авваламбор уларнинг оладиган маоши ва даромади, оила ҳаётини тебратиш, ижтимоий ҳимоя, маънавий муҳит билан алоқадор бўлган барча-барча масалалар кучли таъсир ўтказишини унутмаслигимиз керак.

Бу аввало одамларнинг ўз фаолиятини эркин юритиши учун шароит яратиш бўладими, савдосотиқ ёки аҳолига қундали зарур эҳтиёж молларини етказиб бериш бўладими, транспорт, коммунал ва маиший хизмат бўладими, табиий газ ва ичимлик суви билан тавминлаш бўладими, шулар қаторида қабул қилинган қонунларга итоат қилиш, тартиб-интизомни сақлаш бўладими, шу соҳаларга жавоб берадиган ташкилот ва раҳбарларнинг ўз вазифасини тўғри адо этиши бўладими - бир сўз билан айтганда, давлат ва жамяят, инсон ҳаётига дахлдор бундай масалалар одамларнинг қайфиятини белгилашда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Мен ҳозир ўз сўзимда, одамларнинг ўз фаолиятини эркин юритиши, деган иборани ишлатдим. Бу нима дегани? Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугун - кечаги замон эмас. Инсон аввало Конституция, қонунлар ва ҳукукий мезонлар асосида яшаш керак. Бугун давлат манфаати эмас, инсон манфаати биринчи ўринда туриши даркор. Фаровон ва бахтли ҳаёт учун қандай эркинликлар зарур бўлса, ҳаммасини тугдириб беришимиз лозим.

Бу борада юрtdошларимизнинг энг кўп норози-лигини уйғотадиган нарса - адолатнинг бузилишидир.

Азиз дўстлар, бугун мен Андижон вилоятидаги нохуш ҳолатлар ҳақида изтироб билан гапирарман. Чунки сизлар ўзинингиз ибратли ишларингиз билан Андижон ҳақида доимо яхши гапларни айтишга кўпчилик қатори мени ҳам ўргатиб қўйгансиз.

Кўп бор айтган гапни яна такрорлашга тўғри келади - одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин. Аммо адолатсизликка чидай олмайдди. Халқимиз андишли, сабр-бардошли халқ. Аммо, билиб қўйинлар, сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор. Барча ҳокимлар, катта-кичик раҳбарлар шунки қулоғига қуйиб олсин.

Ўзингиз ўйланг, кимдир кунни кун, туни туни демая меҳнат қилса-ю, лекин кимдир амалидан фойдаланиб, ўз манфаатини кўзлаб, турли ҳийлана-райранлар билан бошқаларнинг ҳақиқа хибнат қилса ва шунинг ҳисобидан, кўпол бўлса ҳам айтиш керак, қўтариб кетса - бу албатта жамоатчилик, эл-юртнинг эътирози ва норозиликка сабаб бўлади.

Мана шундай хунук, бемаза ишларга йўл қўймаслик учун ҳар қайси вилоят, шаҳар ва туманда ҳокимият тизими, шу масалаларга бевоСИта мутасадди бўлган ҳукуқ тартибот ва суд идоралари мавжуд.

Мисол учун, вилоятда ҳоким бор, лекин бу жойда қонунни ҳимоя қиладиган ташкилотлар ҳам борки, улар ўз фаолиятини да мустақил бўлиши зарур. Улар учун қонун олдидан барча - оддий фуқаро ҳам, мансабдор шахс ҳам баробар бўлиши ва уларга бир хил талаб билан ёндашиш керак.

Биз демократия ҳақида кўп гапирарми. Лекин демократия сўзининг асосий маъно-маъмуни - бу адолат демокдир.

Мана шундай вазиятда одамлар, фуқаролар дардини кимга бориб айтади? Шунинг учун барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳоким - ҳокимлигини қилсин, суд - судлигини. Шундагина ҳаётда тартиб бўлади, адолат бўлади.

Гап бугун фақат битта одамни ишдан олиб, бошқасини қўйиш ҳақида бораётгани йўқ. Биз аввало шу ҳолатларга олиб келган ҳисса билан чукр тахлил қилишимиз ва уларнинг бартараф этишимиз керак.

Давлат раҳбари сифатида менинг орузум, мақсадам шуки, жамяят ҳаётида айрим шахсларга эмас, балки аниқ қонун ва ҳуқуқ нормаларига асосланган тизим - система барқарор ишлаши керак.

Мисол учун, мана Швейцарияни олайлик.

Бу мамлакатда оддий фуқароларнинг кўпчилиги мамлакат Президентини қилганини ҳам билмайди. Нега деганда, бу ерда ана шу юқорида тилга олинган тизим ишлайди. Ёки Италияни оладиган бўлсак, бу ерда ҳам ҳукумат тез-тез алмашиб туради. Аммо ҳаёт ўз йўлида кетаверади - саноят, қишлоқ хўжалиги, банк-молия муносабатлари, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, савдо-сотик масаласини, бир сўз билан айтганда, давлат тизими ишлайверади.

Биз Ўзбекистонда ҳам шундай шарт-шароитни вужудга келтиришимиз керакки, раҳбар қанча кўрак бўлмасин, қанча доно бўлмасин, мамлакат ҳаёти бунга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ўз маромида давом этиши лозим.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади - ҳамма жойда ҳам аввало раҳбарлар ва маъсул ходимларнинг фаолияти, ирши-туришига қараб, уларнинг оилавий ҳаёти ва маънавий қиёфасига қараб, фуқароларнинг, умуман жамяятнинг ҳокимиятга бўлган ишончи ёки ортада, ёки бутунлай йўқолади.

Лавозим курсисидан ўтирган, ҳокимият номидан иш юритадиган баъзи шахслар ўзининг номаъқул ишларини яширишга қанчалик уринмасин, одамлар шу жойда адолат таловийлари бузилишига қараб, бундай раҳбарларнинг издан чиқиб кетганини барибир сезади, биллади.

Бу ҳақда гапирар эканман, ўйлайманки, мен сизлар учун ҳеч қандай янгилик очаетгани йўқ. Андижон вилоятида бугунги кунда мавжуд бўлган мана шундай ва шунга ўхшаган нохуш ҳолатлар ҳақида шу залда ўтирганлар мендан кўра кўпроқ билади.

Лекин бутун халқимиз қатори Андижон аҳлининг ҳам бошқаларда учрамайдиган бир хусусияти борки, у ҳам бўлса, андиша тўғрисида. Бундай хусусиятни ифодалайдиган бошқа сўзлар ҳам бор ва улар сизларга жуда яхши таниш. Бунинг отини бетгора чопмаслик, истиҳола, дейди, ўзбекчилик, мурсулмончилик, дейди.

Шуни ҳам айтишимиз керакки, халқимизда азалдан ўзидан ёши ёки ҳаётини таърибаси катта-кўпроқ бўлган одамни ҳурмат қилиш одати ҳам борки, буням инобатга олмадан бўлмайди.

Энди, бундай хусусият ва аломатлар кимгадир ёқадими, ёқмайди -

улар ҳаётимизда бор. Ва биз табиатан шундай халқимиз. Лекин бундай хусусиятлар гоҳ-гоҳ ишонч ҳақиқат беришини ҳам англашимиз керак, деб ўйлайман.

Хурматли юрtdошларим!

Бугун кун тартибига қўйилган масала, яъни ташкилий масала устидан ўйлар эканми, бунга олиб келган сабабларни кўз ўнгимиздан ўтказиш, ортимизга бир назар ташлар, шулар орасидан энг асосийларини ажратиш ва уларнинг моҳиятига етиб бориш барчамизнинг инсоний бурчимиз, деб ҳисоблайман.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, Андижон вилояти мустақиллик йилларида барча соҳаларда катта қадамлар қўйди. Ўзбекистондаги улкан ўзгаришларда, янги ҳаёт, янги жамяят қуриш борасида эришилган марраларда Андижон аҳлининг муносиб ҳиссаси бор, десак, аниқ ҳақиқатни айтган бўламиз. Энг муҳими, бугун Андижон дидебиди ҳаётга, меҳнатга янгича ёндашув қарор топмоқда.

Одамларнинг онгу ташкирида шу тўпроқ, шу муқаддас замин ўзимники, мен учун Андижондир, Ўзбекистондан бошқа Ватан йўқ, она юртимнинг бугунги ва эртанги кунини аввало менга боғлиқ, деган ҳис-туйғулар тобора кучайиб бормоқда.

Мана шундай гурур, мана шундай келажакка ишонч мақтабларда, лицей ва коллежларда, ўқув юрtdошларида таълим олаётган минг-минглаб ёшларимизнинг кўзларида чакнаб турганини қуриб, ҳар қандай киши тўқинлашиб кетади.

Яна бир ижобий ҳол - Андижон элида эгаллик, мулкдорлик ҳисси, менинг кичкина бўлса-да, ўз очган ишим бор, ортирган мулким, бойлигим бор ва у албатта ўзимники, ундан нафақат оилам, фарзандларим, балки бутун эл-юрт наф қўради, деган қараш мустақамлашиб бормоқда.

Менинг давлатим, халқимнинг дунёда муносиб ўрин эгаллаши менинг меҳнатим ва интилишларимга боғлиқ, деган фикр билан яшаётганларнинг сафи кун сайин кенгаймоқда.

Албатта, баъзилар, ишнинг натижаси, ишнинг якуни омадга ҳам боғлиқ, деб айтиши мумкин. Лекин ҳаёт шунки курсатадики, омад ўз-ўзидан келмайди. Омаднинг Оллоҳнинг назари тушган сонига, юрtdа беради, Оллоҳни қалбиди, юрагида олиб юрганларга, яхши ният ва яхши оруз билан даш иш юритадиган баъзи қилаётганларга беради.

Менинг назаримда, бу ютуқларнинг асосий сирини шундаки, Андижон аҳли доимо иноқ бўлиб, бир-бирига кўмак бериб, узокни кўзлаб яшамоқда. Вилоятдаги барча ибратли ишлар замирида мана шундай ҳамжихатлик мумкин, ўйлайманки, мен сизлар учун ҳеч қандай янгилик очаетгани йўқ.

Андижон вилоятида бугунги кунда мавжуд бўлган мана шундай ва шунга ўхшаган нохуш ҳолатлар ҳақида шу залда ўтирганлар мендан кўра кўпроқ билади.

Лекин бутун халқимиз қатори Андижон аҳлининг ҳам бошқаларда учрамайдиган бир хусусияти борки, у ҳам бўлса, андиша тўғрисида. Бундай хусусиятни ифодалайдиган бошқа сўзлар ҳам бор ва улар сизларга жуда яхши таниш. Бунинг отини бетгора чопмаслик, истиҳола, дейди, ўзбекчилик, мурсулмончилик, дейди.

Шуни ҳам айтишимиз керакки, халқимизда азалдан ўзидан ёши ёки ҳаётини таърибаси катта-кўпроқ бўлган одамни ҳурмат қилиш одати ҳам борки, буням инобатга олмадан бўлмайди.

Энди, бундай хусусият ва аломатлар кимгадир ёқадими, ёқмайди -

лар, айрим раҳбарларнинг мактовдан боши айланиб, ўзини йўқотиб, ёғи ердан узилиши билан боғлиқ масалаларга эътибор кам бўлди, десак, аниқ ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу ўринда гап аввало Андижон вилоятининг биринчи раҳбари Қобилжон Обидов фаолияти ҳақида кетмоқда.

Албатта, барчамиз эътироф этамиз: шу заминда тугилиб, узок йиллар шу ерда ишлаб, Андижонни обод этиш, уни улуглаш учун кўп хизмат қилган бу раҳбар оғир пайтларда ҳам шу элга етакчилик қилиб, ўз қобилиятини, ўз салоҳиятини намоян этган.

Ва шу даврда Андижон вилояти қандай натижага эришган бўлса, уларда бу раҳбарнинг ҳиссаси борлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Шунинг учун ҳам унинг меҳнат фаолияти катта муқофот ва унвонлар билан тақдирланган.

Лекин, чуқур таассуф билан таъкидлашимиз керакки, охириги йилларда Қ.Обидовнинг юриш-туриши, ўзини туттиши, одамлар билан муносабати тобора ўзгариб бораётганини қузатиш қийин эмас.

Бу раҳбарнинг бошқаларни фикрига бепасандлик билан қараш, манманлик - шунки ҳам айтишимиз зарур - дохийлик касаллигига берилиб кетгани айниқса ачинарлидир.

Ишга жуда катта зарар етказаетган томони шу бўлдики, бу одам атрофида юрганлардан кўпроқ мактов эшитишга ўрганиб қолди, ўз фаолиятига танқидий ёндашиш у ёқда турсин, оддий танқидга ҳам чидалмайдиган раҳбарга айланиб қолди.

Бундай вазият, албатта, Андижон шаҳар ва туманларидаги ҳолатга, керак бўлса, вилоятдаги умумий муҳитга салбий таъсир ўтказамдан қолмайди.

Бу одамнинг ўзини катта тутиб, вилоятнинг тақдирини белгилаб берадиганини кўпгина соҳа ва масалаларни ўзига номунносиб, иккинчи даражали ишлар қаторида қуриб, уларни ҳал қилиш, ечимини топиш, мавжуд муаммоларнинг олдини олиши бошқаларга - ўз ёрданчиларига ташлаб қўлиб, бундай тартибни иш услуби ва қоидага айлантириб олганини ўзининг масъулиятини йўқотгани деб ҳисоблаш зарур.

Вазият шу даражага етиб борганки, вилоят ҳокими Ташкентдан Андижонга иш юзасидан келган айрим вабир ва раҳбарларни қабул қилмаган ҳолатлар ҳам бўлган.

Андижоннинг ўзида ҳам вилоят миқёсидаги раҳбар ва фаолларни ойлари ва йиллар давомида қабул қилмасдан, улар қўяётган масалаларга эътибор бермаган.

Бундай номақбул иш услуби, ўзининг раҳбарлик масъулиятини тўғри тушунамаслик охири-оқибатда қандай натижаларга олиб келишини англаш қийин эмас.

Раҳбарнинг зиммасига топширилган ҳудуд, эл-юрtdа бўлаётган барча ишларга жавобгар экани яна тушунириб беришининг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Вилоят ташвишларини ўз ҳолига ташлаб, кўпгина соҳаларни эгасиз қолдириб, фақатгина дала ишлари, галлачилик ва пахтачилик ҳисобидан ўзини кўрсатишга уринадиган раҳбар хато қилади.

Андижон мисоллида кўпгина соҳаларда, аввало, оддий одамларнинг эҳтиёж ва талабларини қондирадиган йўналишларда бундай ёндашув натижасини қўриш мумкин. Энг ёмони, ишга бундай муносабат жойларда тартиб-интизомнинг бузилиши ва ўзбошимчилик олиб келиши мумкин.

Албатта, барчамиз эътироф этамиз: шу заминда тугилиб, узок йиллар шу ерда ишлаб, Андижонни обод этиш, уни улуглаш учун кўп хизмат қилган бу раҳбар оғир пайтларда ҳам шу элга етакчилик қилиб, ўз қобилиятини, ўз салоҳиятини намоян этган.

Бу раҳбарнинг фаолияти ўрганилганда, унинг 2002-2003 йиллар давомида ширкатнинг 330 нафар аъзосига 72 гектар майдондаги ерни 28 миллион сўм пара эвазига бериб юборгани маълум бўлди.

Биргина жорий 2004 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 21,9 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик техникаси, 12,1 тонна нефт маҳсулоти, 46,1 тонна минерал ўғит ноқонуний ўзлаштирилган.

Булоқбоши туманида яшовчи омбор мудири М.Аҳмедов 4 тонна, Олтинкўл туманида яшовчи Д.Сиддиқов қарийб 5 тонна минерал ўғитни четга пуллаб юборган. Бу каби жиноий ҳаракатлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам содир этилаётгани ҳақида тегишли органларда етарли далил ва маълумотлар бор. Уларнинг ҳар бири бўйича суд ўз хулосасини чиқаради, албатта.

Вилоятнинг Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудудлари орқали турли маҳсулотларни юрtdошимизга назоратсиз, контрабанда йўли билан олиб кириш, бу ёқдан эса металл ва нефт маҳсулотларини қонунсиз равишда олиб чиқиб кетиш ҳолатлари ҳали-бери давом этаётгани ҳақида кўп маълумотлар бор.

Масалан, Андижон туманидаги «Улуг ўғит» кичик қорхонаси ҳайдовчилари А.Умаров ва Х.Ибрагимов Фарғона нефтини қайта ишлаш заводидан 33 минг 736 литр керосинни ноқонуний олиб кетаётганида ушланган.

Шу ўринда савол туғилади. Бу туманларнинг, қорхона ва хўжалиқларнинг эгаси борики ўзи? Бор, албатта, лекин, афсуски, улар сен менга тега, мен - сенга, деб фақат ўз манфаати, ўз тирчиликларини ўйлаш билан бошқаларга қўриқиб қўлади. Вилоятда хуфёна иктисодий фаолият йўлига тўсиқ қўйиш, нақд пул маблағларининг банқдан ташқари айланганини қисқартириш бўйича етарли чора-тадбирлар қўрилмапти.

Шу йилнинг 1 май ҳолатига кўра нақд пул тушумига эга бўлган 334 та хўжалик субъектининг фаолияти ўрганилганда, уларнинг 321 тасида, яъни 96 фоизда назорат-қасб машиналаридан фойдаланмаслик ва бошқа қоида бузиш ҳолатлари аниқланган ҳам шу фикрни тасдиқлаб турибди.

Буларнинг натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида бюджетта ундирилган солиқлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан республика бўйича 23,4 фоизга ўсган бўлса, Андижон вилоятида умуман ўсиш бўлмаган.

Шундай хуфёна ишлар тўғрисида жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят бўйича товар айланмаси 130 миллиард сўмни ташкил этгани ҳолда, банк қасаларига атиги 18 миллиард сўм ёки жами тушумининг 14 фоизи топширилган, холос.

Бу кўрсаткичлар Булоқбоши ва Асак туманларида 8 фоизни, Марҳамат ва Қўрғонтепа туманларида 5 фоизни, Пахтабод ва Улуғнор туманларида 4 фоизни, Балиқчи туманида 3 фоизни, Бўз туманида эса - ҳатто одам айтишга ҳам уялади - атиги 2 фоизни ташкил этганини қандай изоҳлаш мумкин?

Қани, айтинглар, олинган тушум қанчага эмас, қиссага кетаверса, банкча пул тўлашга, биз фуқароларимиз олдидида ижтимоий мажбуриятларимизни қандай бажарамиз?

Фахрийларнинг пенсиясини, нафақалар ва стипендиялар, кам тавминланган оилаларнинг ёрдам пулини, ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақини нима ҳисобидан тўлаймиз?

Вилоят раҳбарлари, мутасаддилар шу ҳақда ўйлайдими, йўқми? Шу йилнинг 29 апрелига қадар вилоят бўйича 3,5 миллиард сўм миқдоридидаги биринчи даражали ижтимоий тўловлар, пенсия ва нафақалар берилмасдан қолгани шунинг оқибати эмасми?

Ишга бундай лоқайдлик билан, мендан кетгунча - эгасига етгунча, деб ёндашув тўғрисида қанчадан қанча одамларнинг қундали ҳаётини эҳтиёжлари, ризқ-насибаси, тирикчиликка зарар етказилмоқда ва бу уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Вилоятда сўнгги пайтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари анча кўпайган. Жумладан, транспорт воситаларини олиб қочиш 20 фоизга, порахўрлик 54 фоизга, қотиллик 36 фоизга кўпайган. Энг ёмони, номаънаб тегишли талончилик каби жиноятчиликнинг оғир турлари кескин ўсган.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ҳолатларининг кўпайиб бораётгани барчамизда жиддий ҳавотир уйғотиши зарур. Андижон, Улуғнор, Бўз, Булоқбоши, Балиқчи ва Избоскан туманларида бу борадаги аҳвол айниқса ташвишлидир.

Яна бир масала ҳақида алоҳида тўхталишга мажбурман.

Ҳаммамизнинг ҳам оиламиз, фарзандларимиз бор. Албатта, оилавий турмуш, шахсий ҳаёт - бу ҳақда инсоннинг аввало ўзи иши. Лекин эл-юртга раҳбар бўлган, етакчи бўлган одам бошқаларга ақл ўргатиб, уларга талаб қўяр экан, биринчи галда ўз боласининг тарбияси ҳақида ўйлаши керак. Халқимизнинг «Олдин ўзингга бок, кейин ногорара қоқ» деган ҳикмати ҳам беҳиз айтилган.

Шу маънода, вилоят ҳокими ўз ўглининг тарбиясига, унинг босар-турларини билмай, отасининг оғрусига доғ тушишини ўйлашдан қилган бемафани адо этиш учун ҳали жуда кўп меҳнат қилишимиз, изланишим керак, деган фикр-туйғу билан, ёзилган яшаш лозим.

Акс ҳолда, у ёғи заминдан узилиб, атрофидидаги лаббайчи-хушомадчиларнинг сохта мактовларига ўрганиб қолиб, хотиржамлик, беғамликка берилса, шу кунга ўз лавозимига фотиҳа ўқиган бўлади. Мен барча катта-кичик раҳбарлар мана шу ҳақиқатни, мана шу оғохлантиришни ҳеч қачон эсимдан чиқармаслигини сўрардим. Ишонч-имонимиз, ишонч негизини биладиган, тадбиркорлик ва изланувчанлик хусусиятларини доимо намоян этиб келадиган Андижон аҳли янги раҳбар атрофида биришиб, бугун замоннинг ўзи олдимида қўяётган вазифаларни ҳал этиш, вилоят шухратини янада ошириш учун সিқидилган меҳнат қилади. Ана шу йўлда барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

осон, ҳам оғир. Осонлиги шундаки, бу эл одамлари ўз ишини пухта билади, уларнинг меҳнатига, ҳаётга муносабати бошқача. Фақат уларга ўз имконияти ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун шароит тугдириб берилса, бас.

Шу билан бирга, раҳбар ўзига хос гурурга эга бўлган вилоят аҳлининг қўнглини топмаса, амалий ишлари, шахсий ибрати, қатъият ва бағрикенглиги билан одамларнинг қалбига кириб бормаса, билиб қўйинглари, иш кетиши қийин.

Яна бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман. Андижон элининг ўзига хос хусусияти-аломамати ҳақида ҳаётини бажариб бораётган раҳбарнинг ҳаётини қандай бажарамиз? Фахрийларнинг пенсиясини, нафақалар ва стипендиялар, кам тавминланган оилаларнинг ёрдам пулини, ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақини нима ҳисобидан тўлаймиз?

Вилоят раҳбарлари, мутасаддилар шу ҳақда ўйлайдими, йўқми? Шу йилнинг 29 апрелига қадар вилоят бўйича 3,5 миллиард сўм миқдоридидаги биринчи даражали ижтимоий тўловлар, пенсия ва нафақалар берилмасдан қолгани шунинг оқибати эмасми?

Ишга бундай лоқайдлик билан, мендан кетгунча - эгасига етгунча, деб ёндашув тўғрисида қанчадан қанча одамларнинг қундали ҳаётини эҳтиёжлари, ризқ-насибаси, тирикчиликка зарар ет

СЎНГГИ ҚЎНФИРОҚ

Қамаш туманида жорий ўқув йили тугалланиши муносабати билан таълим муассасаларида хайрлашув кечалари ўтказилмоқда. «Хайр боғча, салом мактаб» мавзусидаги тадбирга ота-оналар билан бирга таълим фидойилари ҳам таъриф буюришди. Бу ерда 170 нафар болажонлар тарбияланади. Шуниси қувончлики, 3 та тайёрлов гуруҳи болалари мактабга тайёрландилар. Тадбирда Сайёра Турдиева гуруҳларидаги болалар ўзларининг дастурларини намойиш этишди.

61-урта мактабда эса «Сўнги қўнғироқ» бўлиб ўтди. Яқунланган ўқув йилида илм маскани ўқувчилари хотирасида талай қувончли воқеалар муҳрланди. Жумладан, Муқаррама Турғунбоева хотираси учун ўтказилган туман миқёсидаги рақслар танловида мактаб жамоаси 2-уринни эгаллади. Ўқувчилар ўртасидаги спорт мусобақаларида ҳам фахрли ўринларга сазовор бўлишди. Муайтай спорт тўрагаги қатнашчиси Бехзод Бобоев эса Бухорода ўтказилган мусобақаларда олтин медал соҳиби бўлиб қайтди.

Хаяжонли дақиқалар бошланди. Биринчи синф аълочи ўқувчиси Хосият Чумиева қўлида ўқув йилининг сўнги қўнғироғи жаранглади.

Шавакат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири



БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!

КОЛЛЕЖ ҚОШИДАГИ ШИФО МАСКАНИ

АХОЛИГА БЕПУЛ ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДА

Очиғи, Чортоқ тиббиёт коллежиди йилга 15 миллион сўмга яқин бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топилаётгани, нафақат ўқув юрти жамоасига, балки атроф маҳаллалардаги 3700 нафар аҳолига беғул хизмат кўрсатилаётгани ҳақида айтишганда унчалик ишонмаган эдик. Коллежга қираверишдаги назорат пунктида кунига 150 дан ортқ шифотабларнинг нўмлари қайд қилинганлиги соғломлаштириш масканига бўлган қизиқишимизни оширди. Шу ўринда эътироф этиш лозимки, коллеж қошидаги саломатлик марказида беморларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам энг замонавий шифоналардан асло қолишмайди. Шахар врачлик пунктидаги бўлимлар ва хоналар энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Кундуги бўлимда даволанувчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Шунинг учун ҳам бу ерга келувчиларнинг кети узилмайди. Айниқса, коллежда ишловчилар энди ўз оиласи, фарзандлари соғлиғидан асло ташвишланмас ҳам бўлади. Улар эрта-лал бемор ёки тиббий кўрик зарурати туғилган оила аъзоларини тиббиёт масканига бемалол ишониб топшириб кетишлари мумкин. Ташхис қўйиш, муолага қилиш малакали шифокорлар зиммасида. Илганувчан, тадбиркор раҳбар Марҳаматхон Болтабоевнинг саяё-ҳаракати билан яқинда бу ерда «Фитобар» ҳам ташкил этилди. Шахар врачлик пункти қошида ташкил этилган пуллик хизмат бўлимида бир ойлик тушум миқдори 500 миңг сўмини ташкил этган.

имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда шаҳар аҳолисига яна бир қўлайлик яратиш мақсадида кичик босмахона ташкил этди. Бу ўқув даргоҳи илмий-назарий қўлланмаларни кўпайтириш, талабаларнинг иходий илзанишларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган.

Коллеж маъмурияти нафақат аҳолига хизмат кўрсатишдаги фаолияти билан, балки ўтмишимизни акс эттирувчи тарихий осори-атиқалар, қадимий дунёвий адабиётларини излаб топишда ҳам жонқурлик қилмоқдалар. 1996 йилда маънавият-маърифат маркази ташаббускорлигида билим юртида «Миллий қадриятлар музейи» ташкил этилган бўлиб, уни турли даврлардаги 2 миңдан ортқ экспонатлар безаб турибди. Бу талаба ёшларда маънавий қадриятни шакллантириш, миллий ғурур ва ифтихор туғувларини камол топтиришда муҳим омили бўлмоқда. Музейнинг «Тарихий қўлланмалар», «Миллий кийимлар ва кашталар», «Нумизматика» (пул буюмлари), «Миллий хўнармамандчилик» бўлимлари бу ерда бўлган ҳар қандай кишини бир лаҳза сеҳрлаши, олис мезгонга саяхатга олиб кетиши тайин. Музейнинг «Тарихий қўлланмалар» бўлимида турли даврларда кўчирилган бир қанча нодир китобларнинг нусхалари сақланмоқда. «Устоди аввал», «Муаллими соний», «Қуръони Карим», «Хидоя», «Муҳтасар ал-Вақос», «Ибодати Исломия», «Шарҳи Мулло», «Имоми Аъзам», «Атоиб ин Махлуқот», «Хожа Хофиз», «Чаҳор дарवेश», «Бағдорий», «Нурнома», «Шамойилома» кабилар шулар жумласидандир.

Тиббиёт-танимчас тадбиркор аёл - Марҳаматхон Болтабоева ижтимоий ҳимоя

Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

Хабарлар оқимидан

БУХОРОДА ИНТЕРНЕТ ФЕСТИВАЛИ

Бухорода яқунланган анъанавий «Навқирон Бухоро» мавзусидаги интернет фестивалида виллоятда очилган олти мишга сайт иштирок этди. Уч босқичда ўтган тадбирда «Энг яхши ватанпарварлик сайти» бўйича «Тадбиркор оила» нодавлат ноҳижорат жамияти виллоят бўлими болиблигини қўлга киритди. Виллоят марказидаги 21-мактаб, «Комил» хусусий ўқув-муҳомалонаси, 5-Мехрибонлик уйи, Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи ҳамда Бухоро озиқ-овқат ва энгил санат технологияси институти сайтлари ҳам ўз йўналишлари бўйича голиб деб топилди.

ДУНЁ - БОЛАЛАР НИГОХИДА

Ўхжайли туманида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Бахтли болалик» мавзусида расмлар кўрик-танлови ўтказилди. Танловда 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар иштирок этди. Болалар ҳаёт, келажак, табиат ҳақидаги тасаввурларини турфа бўёқлар орқали акс эттирди. Азиз Худойбергенов чизган расмлар юқори баҳолашиб, унга танловнинг республика босқичига йўланма топширилди.

ОВУЛ ШУКУҲИ

Қораўзақ туманининг Бердақ овули ёшлари миллий кураш ва волейбол бўйича мусобақаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Овулда янги спорт майдончаси фойдаланишга топширилганча, ёшлар спортнинг футбол, волейбол ва баскетбол турлари билан ҳам шуғулланиш имконига эга бўлди. Хозирда туманда 98 очик спорт майдончаси, 15 спорт зали мавжуд. Уларда ёшлар спортининг 14 тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

(УЗА)

МУЗЕЙГА СОВҒА ҚИЛИНГАН МЕДАЛ

Петербургда 1913 йилда уюштирилган иккинчи умумроссия кўргазмаси йигирманчи аср бошида ташкил этилган энг катта халқаро экспозиция сифатида баҳоланган эди. Унда гиламлар, палослар, пахта ва ипақ газламалари қаторида ёғоч ўймакорлиги буюмлари ҳам намойиш қилинган эди. Моҳир уста санъаткор Сулаймон Ҳўжаев томонидан ясалган ёғоч ўймакорлиги намуналари эса кўргазманинг бронза медалли ҳизир тақдирланди. Бу медал ҳозир Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланмоқда. Музей ходимлари бу каби совға медаллар шодаси бўйича алоҳида каталог яратишга киришди.

Лазиза ОРИФХЎЖАЕВА



Ф.ХИДИРОВ олган сурат

БИЛАСИЗМИ?

Қир чумоли (термит)ларнинг овқат ҳазм қилиш йўлида алоҳида бир турга кирувчи шундай бактериялар борки, улар ёғочни оксил, ёғ ва тирик тана таркибига кирувчи бошқа моддаларга айлантира олади. Шунинг учун қир чумоли ёғоч ичида ҳам яшайди. Қипиқдан озиқ-овқат маҳсулотлари олиб бўлмаганидан, деган умидада олимлар ана шу бактерияларнинг хусусиятларини ўрганишга киришдилар.

ЭНЦИКЛОПЕДИЯЛАР ТАРИХИДАН

Энциклопедия аслида юнонча сўз бўлиб, умумий билим доираси деган маънони билдиради. Бу сўзнинг маъноси давр ўтиши билан кенгайиб борди. Қадим замонларда ҳам, масалан, эраимиздан олдинги XII-X асрларда Хитойда, эраимиздан олдинги иккинчи миңг йилликнинг иккинчи чорагида Мисрда энциклопедиясимон асарлар вужудга келган.

Орият, полвон зоти танасига қон билан қирган. Қудрат полвонни Мирзачўл воҳасида таниган ҳам ана шу туйғу бўлди. Ушанда у ёш эди, Тенқур журалари билан олишиб юрарди. Маҳалласидаги тўйда иккиланмасдан даврага чиқиб борганда ўзига ишончи баланд чиқди. Аммо шериги, бир зумда кукиб қўйди. Усул билмаслиги, билаклари кучга тўлмаганлиги унга панд берди. Шу-шу кураш сирларини пухта ўрганишга астойдил бел боғлади. Касаба уюшма спорт мажмуаларида тобланиши бошланди.

Мирзачўл воҳасида номдор полвонлар бармоқ билан санарли, айниқса курашнинг фарғонача усули, белбоғли кураш ҳали урфа ҳам қирмаганди. Бу турнинг Бобўтда кенг тарқалишига, ёшларнинг унга меҳр боғлашига Қудрат полвон Турдиев озмунча ҳисса қўшмади. У 20 нафардан зиёд шоғирдлар тарбиялади. Улар орасида мамлакат голиблигини қўлга киритганлари ҳам йўқ эмас. - Кураш мардлар майдони, - дейди Қудрат полвон

ХОТИРА ТУРНИРИ

Қумқўрғон туманидаги С.Бойматов номили ширкат ҳўжалигида бир неча йилдан бунён шу ерлик марҳум спортчи Холбой Ярашев хотирасига бағишланган турнир ўтказиб келинмоқда. Яқинда ҳўжаликнинг «Янгиер» маҳалласидаги марказий ўйналгоҳда ўчинчи маротаба анъанавий хотира турнири ўтказилди. Футбол мусобақаларида айниқса, «Янгиер», «Нефтичи», «Гулестон», «Қарсақли» маҳаллалар жамоалари чиройли ўйин кўрсатдилар. Охир оқибат омад «Янгиер» жамоасига қўлиб боқди.

Волейболчилар баҳасида «Гулестон» жамоаси барча рақибларини мағлуб этди, бош соврин эгаси бўлди. Хотира турнирида элликдан ортқ шоҳмат иштиқозиси ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

Д.РУСТАМОВ

ҚУДРАТ ПОЛВОҢ ОРЗУСИ

Турдиев. - Аммо кўп йиллар Сирдарёда халқимизнинг минг йиллик бу анъанаси муз қотиб турди. Фақатгина юрт истиқболидан сўнггина кураш кўрик ёшлари эътиборини тортиди. Айни дамда Бобўт, Ширин худудларида белбоғли, Сайхунободда эркин кураш ривож топты. Қудрат полвон сўхбат асосида касаба уюшма спорти мутасаддиларидан мамнулигини яширмади. Негаки курашга ана шу жа-

Касаба уюшма спорти

моа ташкилоти кенг ўрин беряпти. Туман ва виллоят миқёсида кўплаб беллашувлар ташаббускори ҳам айнан шу ташкилот. Гарчанд ёши бир жойга борган бўлса-да, аллақачон давраларни тарқ этган Қудрат полвонни ҳам ҳол-жонига қўйишмади. Спортнинг бу тури бўйича ёшларга мураббийлик қилишни, курашнинг ҳар бир хонадонга кириб боришга кўмаклаштиришни сўради. Мана у ана давраларда, Гарчанд бел олмасида-да, мусобақаларда мураббий, ҳакамлик қилади. Полвон бобўтлик ёшларга ўзи билган барча усуллари ўргатишдан эринмайди. Полвон уч нафар ўғлини

ПЕЛЕ, МАРАДОНА, ШЕВЧЕНКО...

Умумбашарий тинчлик, дўстлик, шодлик рамзи бўлган футбол бир асрдан сал ортқоққ тарихи мобайнида не-не «олдуз»ларни кашф этибди дейсиз. Пеленинг афсонавий голлари, Марадонанинг латофатли ўйналари, 1982 йилги жаҳон чемпиолатида италиялик Паоло Россининг Аргентина, Бразилия ва Германия термалари футболчиларини майдондан сирқидан кўз ёшлари билан йилглаб чиқиб кетишга мажбур этгани, Украина футболининг гавҳари бўлган Олег Блохиннинг чакрон ҳаракатлари ва жонқурлиги, хозирга келиб эса Раул, Роналдо, Зидан, Анри, Шевченко сингари бир-биридан да моҳир, санъат даражасида тўп сурадиган ўйнаб ўйнашлари билан футбол янада шиддаткор, янада жоизабали ва янада фуқоркор эканлигини намён этмоқда. Чарқсақлаган юлдузлар... Қанийди уларнинг сафига зора биттагина ўзбек, ҳеч бўлмаганда Ўзбекистонлик қўлласа дейсиз. Ох, яна қанча кўлиш мумкин экан шундай онларни!

Ягона қўёлимиз Биродар Аб-дуррамов ва унинг замондошларини жаҳон ареналарига чиқаришга йўл бермаган паъяти солиқ тузуминг темир панжаралари парчаланди ҳамки, Ўзбекистон футболда ярақлаган, Европанинг меънари деган клубларида номлари юқорида зир этилганлар билан тенг-тенг баҳс ўйнаганидан бирорта ҳам спортчи чиқмади ва негалар кўзга ташланмапти. Ўн-ўн беш йилдирки, фақат Миржалол билангина чегараланиб қолмоқдамиз, афсус. Зимистон ичра узқокдан миллионлашган шўла ва на саробни кўриш мумкин. Йнги биринчилигимизда уч-тўртта ўйинда ярқ этгани дарвор Россияга йўл олишни қўлайди, у ёқда борган эса ё синиб ёвуд ўринборлар даражасида ишончини оқломлай, шалдур-шудур қайтиб келишди ёкини премер лиганинг қўли поғоналарида йўқ бўлиб кетишди. Тавба, қақришимас ҳам боришди. Жафар Ирисметов, Даврон Фаёзов, Ойбек Усмонов-ҳўжаев ва яна ўйнаб футболчиларимиз аввало ўзимиздаги стадионларда беш-олти йил чинакамнига дилбар ўйин кўрсатиб туришганида, руслар ёки қозоқларнинг ўртаимчи жамоалари эмас, балки европалик селекционерлар назарига тушишармикми? Бундан ҳам ёмон, чемпиолатидада бирорта футболчи (масалан, Бердиев, Мирҳолдиришов, Бикмаев, Холмуродов ва ҳ.а) маҳорати озгина юқорида, кетма-кет тўп киритадиган бўлса бас, маҳорати шу даражада қотида, қолади. Кўпгина Максими Шациоини кўларга кўтарди, аммо Европа майдонларига чиқиб имконияти унда очиб бўлса-да, беш йил олдинги Максими ҳозир ҳам шу! Кейинги беш йилда ҳам унинг маҳорати қўқолаши амригаҳўлга ўшайди. Максими Киевнинг «Динамо»сида муҳим ўйнагани билан қўнқайди, шекилли. Мабодо, унинг ўйналариди ўзгартирил бўлганда эди, гитанг клублар селекционерлари тич қўйишмасди. Хозир эса у билан айтларги «ҳеч қил» қизиқмапти ҳўсб.

Япония, Жанубий Корей, шу вақтгача «имиллаб» юрган Хитой, қолаверса, қатор Араб давлатларида футбол юқорида, шўлапаниб бораёпти. Бизда эса ҳатто олий лигадаги жамоалар маблаг танқислиги учун футболни дээрли тарқ этмоқда. Жиддий ишлотлардан эса дарак йўқ. Мабодо... Балки, юлдузларимиз чиқмаётганининг туб сабаби мана шундандир...

«Туркистон-пресс»

Репродуктив саломатлик

Аҳоли ўртасида репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш, тиббий ёрдани кўчатириш, оналар ва болалар соғлигини муҳофазалаш бўйича Хива шаҳри ва туманида бир мунча ибратли ишлар амалга ошириляпти. Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаятган аёллар соғлигини мухтамак-лашга доир қўйинча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мухтамак-лаш, соғлом аёллар туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида аниқ дастур ишлаб чиқилган.

болалар врачлари билан таъминлашга эътибор оширилган. Улардан 20 нафари республика марказидаги клиникаларда билим ва малакасини ошириб, қайта тайёргарликдан ўтди. Мақтаблар ва касб-хўнар колледжларининг ўқувчи ва талабалари билан уршушулар ўтказилиб, репродуктив саломатликни мухтамак-лашнинг аҳамияти тушутирилди. «Ўсиб келаятган аёллар» тарбиялаш-

ДАРДИНИ БИЛГАН ТАБИБ

андин давосини сўранг

Кўшазаров, Равшанбек Ибрагимов, Дармонжон Самандаровалар нафақат дори-дармон, балки ширин сўзлари билан ҳам беморлар дардига маълум бўлишарди. Усмир-ёшлар ва ота-оналар учун репродуктив саломатликни ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича рисо-солалар, савон-жавоб тўпламларини, плакатлар ва бошқа ақборот материаллари аҳоли ўртасида кенг тарқатилди. «Усмир қизлар олами», «Усмирлик даврий ҳақида», «Азиз келин-қўвларга», «Бола туғишга тайёрланиш», «Хомилдорлик ва чилла даври», «Контракция воситалари», «Она сўтининг мўъжизаси» каби адабиётлардан зиёд эшити, исталмаган хомилдорлигининг олдини олишга қаратилган мусобақалар ташкил этилди. Аёллар ва ўсмирлар ўртасида камқонлик, йод ва темир моддаси етишмовчилигини бартараф этиш чоралари қўриляпти. Шифобахш гиёҳлардан қайнатмалар, витаминли дори-дармонлар тарқатилляпти.

да маҳалла, оила ва мактабнинг ўрни», «Гийҳандлик - аср вабоси», «Йод тақчиллиги ва уни ҳал этиш йўллари», «Оила тиббий маданияти» мавзуларидаги илмий-амалий конференциялар айниқса самарали бўлди.

«Никоҳа тиббий кўриқдан ўтказиш тизими зотирилган. Ўзи турмуш қўраётган 546 та йигит-қиз мутахассис врачлар қабулида бўлди. Ёшлар билан қариндош-уруғлар ўртасида турмуш қўриқнинг зарари ҳақида мулоқотлар уюштирилди. Турғуллар орасида мақбул ораликқа риоя этиш, исталмаган хомилдорлигининг олдини олишга қаратилган мусобақалар ташкил этилди. Аёллар ва ўсмирлар ўртасида камқонлик, йод ва темир моддаси етишмовчилигини бартараф этиш чоралари қўриляпти. Шифобахш гиёҳлардан қайнатмалар, витаминли дори-дармонлар тарқатилляпти.

Табриқибали акушер-гинекологлардан Шохиста Бобоқонова, Ақилжон Рўзметова, болалар врачлари Раимбой

И.ИСОМИДДИНОВ

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00

ҲАВО ҚАТЛАМИ Булут, туман ва ёгин-очинлар ерни ураб олган ҳаво қатламида, яъни атмосферада бўлади. Атмосфера асосан азот, кислород ва аргон газларидан ташкил топган. Ҳаво таркибидаги газлардан фақат сув буғигина ҳарорат ва намликка қараб, сув ёки музга айланиши мумкин. Ҳаводаги сув буғлари океан, денгиз, дарё, кўл, экинзор ва тулроқдаги сувларнинг буғланishi натижасида ҳосил бўлади. Ер қурра-сининг 0,71 қисмини эгаллаган океан ва денгизлар ҳаводаги сув буғларининг асосий манбаидир.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

Бу турфа олам

Сув ҳар қандай ҳароратда, ҳатто ҳарорат нол даражасидан паст бўлганда ҳам буғланishi мумкин. Бунга кишининг совуқ кунларида ювилган кирларнинг қуриши мисол бўла олади. Юқори ҳароратда сув тез буғланади. Шамол ва гирдоблар сув буғларини ҳавога кўтарди. Буғли ҳавони баландга олиб чиқувчи ана шу оқимлар булут ҳосил бўлишида муҳим ўрин тутади.

А.АЛИЕВ

Маълимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Matbuot ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувида эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Тиражи: 16355 Буюртма Г— 615 1 2 3 4 5